Insonga naf keltirish — oliy baxt!

Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 8-yanvar, payshanba, № 4 (3509)

Янгиликлар оқимидан

Илк бор ўтказилган “Самарқанд ифтихорлари” номли тадбирга Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлашга салмоқли улуш қўшаётган барча соҳа вакиллари қамраб олинди.

САМАРҚАНД ИФТИХОРЛАРИ

Тадбир иштирокчилари “Спортимиз юлдузлари”, “Миллатни дунёга танитган ёшлар”, “Камолот”чилар”, “Илм-фан фидойилари” каби қатор номинациялар бўйича тақдирланди.

— Ўтган йили вилоятимиз спортчилари мамлакатимизда ўтказилган мусобақа ва чемпионатларда 1228 та, Жаҳон ва Осиё чемпионатларида 143 та медални қўлга киритди, — дейди “Динамо” профессионал футбол клуби ҳимоячиси, Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси аъзоси Фирдавс Абдусаломов.

Эл суйган санъаткорлар, ёзувчи ва шоирлар билан бўлган мулоқотлар қалбларда муҳрланди, руҳиятга куч бағишлади.

Тадбир доирасида юздан ортиқ фидойиларга вилоят ҳокимлиги фахрий ёрлиқлари, ҳомий ташкилотлар ҳамда спорт федерацияларининг эсдалик совғалари топширилди.

Нурилла ШАМСИЕВ,
“Ishonch” мухбири

ИШОНЧ ЁРЛИҚЛАРИ ТОПШИРИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 январ куни Оқсаройда Миср Араб Республикаси, Ветнам Социалистик Республикаси, Ҳиндистон Республикаси, Индонезия Республикасининг мамлакатимиздаги Фавқулодда ва мухтор элчилари этиб тайинланган Fада ал-Fаннам, Фам Ван Фао, Викрам Дораисвами, Алит Сантикадан ишонч ёрлиқларини қабул қилиб олди.

Давлатимиз раҳбари мамлакатимиздаги дипломатик ваколатхоналарнинг янги тайинланган раҳбарларини самимий қутлар экан, уларнинг шарафли ва масъулиятли фаолиятига муваффақият тилади. Президентимиз Ислом Каримов Ўзбекистон халқаро ва минтақавий долзарб масалаларда тобора муҳим ўрин тутаётган Миср, Ветнам, Ҳиндистон ва Индонезия билан алоқаларни ҳар томонлама мустаҳкамлашга алоҳида аҳамият бераётганини таъкидлади.

Миср элчиси билан суҳбатда ҳар икки мамлакат сиёсий, савдо-иқтисодий, маданий-гуманитар ва бошқа соҳалардаги ўзаро ҳамкорликни ривожлантиришдан бирдай манфаатдор экани қайд этилди.

Элчи Fада ал-Fаннам дунёда нафақат бой маданий ва тарихий мероси билан машҳур бўлган, айни пайтда замонавий шароитда ишончли ҳамкор сифатида танилган Ўзбекистонда Миср вакили сифатида фаолият юритишини ўзи учун юксак шараф, деб билишини таъкидлади.

Ўзбекистон ва Ветнам ўртасидаги кўп йиллик алоқалар ва ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган муносабатлар изчил мустаҳкамланиб бормоқда. Кейинги йилларда турли даражадаги мулоқотларнинг фаоллашуви иқтисодиётнинг реал секторидаги ҳамкорликнинг истиқболли йўналишларини биргаликда белгилаш ва муттасил ривожлантириш имконини бермоқда.

Элчи Фам Ван Фао мамлакатларимиз ўртасидаги ўзаро алоқаларни янада ривожлантириш, давлатлараро битим ва келишувларни амалга оширишда ўзининг куч ва имкониятларини ҳамда дипломатик тажрибасини ишга солишини таъкидлади.

Ўзбек ва ҳинд халқларининг кўп асрлик савдо ва маданий алоқалари, дўстлиги ва маънавий яқинлиги турли соҳаларда икки томонлама муносабатларни изчил ривожлантиришнинг мустаҳкам асосини ташкил этади. Ҳиндистон элчиси билан мулоқот чоғида олий даражадаги ташрифлар мунтазамлик касб этгани, шунингдек, икки мамлакат ҳукумат тузилмалари, ишбилармон доиралар вакиллари, маданият арбоблари ўртасидаги алоқалар ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш борасида улкан салоҳият мавжудлигига ёрқин мисоллар экани таъкидланди.

Элчи Викрам Дораисвами Ўзбекистондаги фаолиятини мамлакатларимиз ва халқларимиз ўртасидаги анъанавий дўстлик алоқаларини янада ривожлантиришга ҳисса қўшиш учун катта имконият, деб билишини қайд этди.

Ўзбекистон Индонезияга Жанубий-шарқий Осиёдаги муҳим ва истиқболли шериклардан бири сифатида қарайди. Бугунги кунда мамлакатларимиз ўзаро манфаатли савдони ривожлантириш, инвестициявий ҳамкорликни кенгайтириш ва бошқа соҳалардаги алоқаларни чуқурлаштириш борасида улкан имкониятларга эга.

Элчи Алит Сантика Индонезия Ўзбекистон билан узоқ муддатли ва ўзаро манфаатли муносабатларни ривожлантириш тарафдори эканини таъкидлади.

Мулоқотлар чоғида томонларни қизиқтирган халқаро ва минтақавий масалалар бўйича ҳам атрофлича фикр алмашилди.

ЎзА

ИЛҒОР ТЕХНОЛОГИЯЛАР АСОСИДА

Президентимизнинг 2012 йил 22 ноябрдаги «2013-2015 йилларда Хоразм вилояти саноати салоҳиятини ривожлантириш дастури тўғрисида»ги қарори асосида олиб борилаётган тизимли ишлар аҳоли бандлиги ва турмуш фаровонлигини янада юксалтиришда муҳим омил бўлмоқда.

Ушбу ҳужжат ижроси доирасида ташкил этилган “Khorezm tech” Ўзбекистон — Жанубий Корея қўшма корхонасида ўттизга яқин турдаги пайпоқ ишлаб чиқарилмоқда. Замонавий, тежамкор технологиялар асосида тайёрланаётган маҳсулотлар юқори сифати билан харидорларга манзур бўлаётир. Корхонада 20 дан зиёд киши доимий иш билан таъминланган.

Суратда: ишчи Зуҳра Ўринбоева.

Шоназар ҚОРИЕВ (ЎзА) олган сурат

Матбуот анжумани

Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси “O`zbekiston MTRK mediamarkazi” биносида матбуот анжумани ўтказди.

“MAHALLA” ЭФИРДА

Бугунги кунда Миллий телерадиокомпания таркибида “Madaniyat va ma`rifat”, “Dunyo bo`ylab”, “Kinoteatr”, “Navo”, “Diyor”, “Oilaviy”, “Bolajon” каби рақамли каналлар фаолият юритмоқда. Энди улар сафига янги “Mahalla” маърифий телерадиоканали ҳам қўшилди.

Мазкур канал республика аҳолиси, айниқса, ёшларни маҳалла институтининг демократик давлат ва фуқаролик жамиятини шакллантириш, ижтимоий масалаларни ҳал этишдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида кенг хабардор этиш мақсадида ташкил этилди. «Mahalla» фаолиятида ушбу тузилма томонидан ўсиб келаётган авлодни маънавий тарбиялаш, оилавий қадриятларни мустаҳкамлаш, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, қариялар ва аҳолининг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламига манзилли ёрдам кўрсатиш борасида олиб борилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказиш асосий вазифа қилиб белгиланди. Шунингдек, бандликни таъминлаш, одамлар турмушининг ижтимоий-маиший шароитларини яхшилаш ва ҳудудларни ободонлаштиришдаги тажрибасини ҳар томонлама тарғиб этиш мақсадида юқори сифатли телерадиомаҳсулотлар тайёрлаш ва уларни халқимизга тақдим этишга эътибор қаратилади.

Дарвоқе, Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси тизимида янги «Mahalla» маърифий телерадиоканалининг кўрсатув ва эшиттиришлари кечадан эфирга узатила бошланди.

Раъно МАҲКАМОВА,
“Ishonch” мухбири

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг ҚАРОРИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИНИ ЎТКАЗУВЧИ САЙЛОВ ОКРУГЛАРИНИ ТУЗИШ ТЎҒРИСИДА

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 9, 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссияси

ҚАРОР ҚИЛАДИ:

1. Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи қуйидаги сайлов округлари тузилсин:

1-Қорақалпоғистон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Қорақалпоғистон Республикаси Молия вазирлиги биноси, Нукус шаҳри, У.Татибоев кўчаси, 19-уй. Сайловчилар сони — 1159795 киши.

Қорақалпоғистон Республикаси чегараси доирасида.

2-Андижон сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Андижон шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 32-уй. Сайловчилар сони — 1923333 киши.

Андижон вилояти чегараси доирасида.

3-Бухоро сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Бухоро шаҳри, Алишер Навоий шоҳ кўчаси, 3-уй. Сайловчилар сони — 1229045 киши.

Бухоро вилояти чегараси доирасида.

4-Жиззах сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Республика Маънавият тарғибот маркази вилоят бўлими биноси, Жиззах шаҳри, Шароф Рашидов шоҳ кўчаси, 70-уй. Сайловчилар сони — 813965 киши.

Жиззах вилояти чегараси доирасида.

5-Навоий сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — “Фарҳод” маданият саройи биноси, Навоий шаҳри, Халқлар дўстлиги шоҳ кўчаси, 67-уй. Сайловчилар сони — 628592 киши.

Навоий вилояти чегараси доирасида.

6-Наманган сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ёшлар маркази биноси, Наманган шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 15-уй. Сайловчилар сони — 1713268 киши.

Наманган вилояти чегараси доирасида.

7-Самарқанд сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Самарқанд давлат университети қошидаги 2-академик лицей биноси, Самарқанд шаҳри, Рудакий кўчаси, 237-уй. Сайловчилар сони — 2294602 киши.

Самарқанд вилояти чегараси доирасида.

8-Сирдарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси биноси, Гулистон шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 66-уй. Сайловчилар сони — 513100 киши.

Сирдарё вилояти чегараси доирасида.

9-Сурхондарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — 1-болалар мусиқа ва санъат мактаби биноси, Термиз шаҳри, Алишер Навоий кўчаси, 12-“В” уй. Сайловчилар сони — 1515308 киши.

Сурхондарё вилояти чегараси доирасида.

10-Тошкент вилояти сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — вилоят молия бошқармаси биноси, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 17-уй. Сайловчилар сони — 1905858 киши.

Тошкент вилояти чегараси доирасида.

11-Фарғона сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Ўзбекистон “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати Фарғона вилояти кенгаши биноси, Фарғона шаҳри, Сайилгоҳ кўчаси, 27-уй. Сайловчилар сони — 2342899 киши.

Фарғона вилояти чегараси доирасида.

12-Хоразм сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — “Баркамол авлод” болалар маркази биноси, Урганч шаҳри, Ғафур Ғулом кўчаси, 1-уй. Сайловчилар сони — 1127706 киши.

Хоразм вилояти чегараси доирасида.

13-Қашқадарё сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — “Ўзгеобурғунефтгаз” акциядорлик компанияси биноси, Қарши шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 35-уй. Сайловчилар сони — 1903740 киши.

Қашқадарё вилояти чегараси доирасида.

14-Тошкент шаҳар сайлов округи

Округ сайлов комиссияси жойлашадиган манзил — Тошкент шаҳар ҳокимлиги маъмурий бинолардан фойдаланиш департаментига қарашли бино, Тошкент шаҳри, Миробод тумани, Амир Темур шоҳ кўчаси, 14-уй. Сайловчилар сони — 1726841 киши.

Тошкент шаҳри чегараси доирасида.

2. Мазкур қарор матбуотда эълон қилинсин.

Марказий сайлов комиссияси
Раиси М.Абдусаломов

Тошкент шаҳри,
2015 йил 7 январ

Қораўзак тумани кўп тармоқли поликлиникаси янги бинода иш бошлади.

АҲОЛИГА ҚУЛАЙЛИК

— Қиймати 2508,7 млн. сўмни ташкил этадиган бинонинг қурилиш-монтаж ишларини “Тибекстрой” масъулияти чекланган фирма жамоаси амалга оширди, — деди туман тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Режеп Пыщыев. — Ҳар куни 150 одамни қабул қилиш имкониятига эга поликлиникамизда малакали шифокор ва ҳамшираларнинг халқимизнинг саломатлиги йўлида хизмат қилмоқда.

Тиббиёт бирлашмасининг шошилинч тиббий ёрдам бўлимида реконструкция ишлари сифатли тугалланди. Қолган бўлимларда таъмирлаш ишлари давом этаётир.

Ортиқбой МАМУТОВ,
“Ishonch” мухбири

САЙЛОВ ОКРУГЛАРИ ТАШКИЛ ЭТИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Марказий сайлов комиссияси раиси М.Абдусаломов бошқарди.

Мажлисда «Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида»ги қонуннинг 9-ва 14-моддаларига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови бўйича сайлов округлари тузиш тўғрисида қарор қабул қилинди. Марказий сайлов комиссияси уларни Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳри чегаралари доирасида тузди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш билан боғлиқ бошқа масалалар ҳам муҳокама қилинди.

ЎзА

Миллий армиямиз — ғуруримиз, ифтихоримиз

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА

Республика касаба уюшмалари тизимида яхши бир анъана мавжуд. Бу ҳам бўлса, умумхалқ ва касб байрамлари арафасида дилтортар учрашувларни ташкил қилишдир. «Ishonch» ва «Ishonch-Доверие» газеталари таҳририяти ижодий жамоасининг Чирчиқ шаҳридаги ҳарбий қисмда «Биз сизга ишонамиз ва фахрланамиз» мавзуида ўтказган мулоқоти ҳам ана шу мақсадга хизмат қилади.

●○○●▶ 2

2015-yil 8-yanvar, payshanba, № 4 (3509), **www.ishonch-doverie.uz**, **e-mail:** xatlar@ishonch-doverie.uz

ВАТАН ҲИМОЯЧИЛАРИ ҲУЗУРИДА

(Давоми. Бошланиши 1-саҳифада).

Ҳарбий қисм командирининг тарбиявий ишлар бўйича ўринбосари, майор Шуҳрат Исмоилов тадбирни очар экан, жумладан, шундай деди:

— Ҳарбий қисмимизда шартнома асосида хизмат қилаётган ҳарбий хизматчиларимиз, зобит ва сержантларга, оддий аскарларга катта ғамхўрлик кўрсатилмоқда. Уларнинг аксарият қисми уйжой билан таъминланиши ҳам буни тасдиқлаб турибди. Офицер ва аскарлар ҳарбий маҳоратларини оширишлари учун барча шароитлар муҳайё. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар тайёргарликларини ошириш, уларнинг жисмонан ва маънавий жиҳатдан юксак даражада бўлишларини таъминлаш мақсадида турли ўқувлар ўтказиб келинмоқда. Хотиржамлик сабоғи эса шулар жумласидан. Чунки аскар ҳар қандай мураккаб ҳолатда ҳам ақл билан иш кўрмоғи даркор.

Шундан сўнг бош муҳаррир ўринбосари Зайниддин Рихсиев, бўлим муҳаррири Бахтиёр Ризаев, касаба уюшма қўмитаси раиси Неъмат Рафиқов Ватан ҳимоячиларини қизғин қутлаб, инсон учун энг шарафли юмуш — эл корига яраш ва Ватанга бўлган садоқатини амалда исботлаш йўлида соғлик ва бардавомлик тиладилар.

Ҳамидулла Тўхтасинов, оддий аскар:

— Ҳарбий хизматга Фарғона вилояти, Қўштепа туманидан чақирилганман. Аввалларига ҳарбийларни кўрганимда уларга ниҳоятда ҳавасим келарди. Мана, ниҳоят, орзуим ушалди. Отаонам Ҳабибулло ва Муқаддам Исатуллаевалар билан тез-тез учрашиб турамиз. Бундан буёнги режам ҳарбий хизматни тугатиб, олий ўқув юртида билим олиш.

Тўланбой Шералиев, оддий аскар:

— Яқиндагина Янги йилни нишонлаган, бир-биримизга эзгу тилаклар билдиргандик. Мана энди Ватан ҳимоячилари кунини нишонлаш арафасидамиз. Истайманки, юртимиз тинч, осмонимиз мусаффо бўлсин. Кези келганда, ҳарбий бўлишимга отам — Поп туманидаги «Истиқлол-2» фермер хўжалиги раҳбари Абдусалим Йигиталиев оқ фотиҳа берганини таъкидлашим лозим. Ҳарбий қасамёд қабул қилганимдан кейин менда ҳарбий мутахассис бўлиш фикри уйғонди. Бу эса, ўз навбатида, тинимсиз ўқиб-ўрганишни тақозо этади.

Шерзод Нарзиев, шартнома бўйича ҳарбий хизматчи:

— Бухоро вилоятининг Пешку туманиданман. Аскарликни ҳам шу ерда ўтагандим. Уч нафар фарзанднинг отасиман. 10 ёшли ўғлим Ортиқбой ҳам ҳарбий бўлиш орзусида. Ишонаманки, фарзандим ҳам ўз бахтини шу соҳадан топади.

Ўз мухбиримиз. Икром ҲАСАНОВ олган суратлар

Учрашувда ўқилган шеър

ОМОН БЎЛГИН, БОЛАМ...

Онанинг ўғилга мактуби оддий:
«Омон бўлгин, болам, қайда бўлсанг ҳам...».
Меҳр дилда унар,
Меҳр номоддий,
Меҳр борки, боқий шу моддий олам.

Емоқ-ичмоқликдан қисмас Худойим,
Шарти — пича меҳнат,
Меҳр булоғи.
Дастурхоннинг кўрки бутун нон доим,
Қозон қайнар, ўчмас ҳаёт ўчоғи.

Аммо...
Текин томоқ, мазахўрак кўп,
Тортиб олмоқ истар мудом нонингни.
Юрт — кўз қорачиғи,
Туширмайсан чўп,
Хатарларга қўйиб азиз жонингни.

Ватан тургунчадир бу дунё асли,
Томир отиб кетган сарҳадлар бўйлаб.
Йилнинг тўрт фасли ҳам тириклик фасли,
Яшай билган учун эртани ўйлаб.

Онанинг ўғилга мактуби оддий:
«Омон бўлгин, болам, қайда бўлсанг ҳам...».

Муҳаммад ЗАЙНИДДИН

Дастур ва ижро

Соғлом бола йили ҳам ортда қолди. Ортга назар ташлаб, амалга оширилган ишларни сарҳисоб қилиш ва янги йил учун режалар тузишнинг айни фурсати. Биз бир гуруҳ касаба уюшма фаоллари билан учрашиб, уларнинг йил якуни ҳақидаги фикр ва мулоҳазалари билан танишдик.

САРҲИСОБ

Боймурод МЕЙЛИЕВ, Транспорт, йўл ва капитал қурилиш, қурилиш индустрияси ходимлари касаба уюшмаси Қашқадарё вилоят ташкилотлари бирлашган касаба уюшма қўмитаси раиси:

— Йил бошида қўмитамиз тизимида аъзолар 13946 нафарни ташкил этган бўлса, ҳозирда 16044 нафарга етди.

"Соғлом бола йили" дастури асосида ходимларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳимояси юзасидан қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, тармоқ тизимидаги корхона ва муассасаларда меҳнат қилаётган, эҳтиёжманд оилалардан бўлган 15 нафар хотин-қизга Мустақиллик байрами арафасида электр-маиший техника жиҳозлари берилди. Эҳтиёжманд ва боқувчисини йўқотган оилаларнинг 500 нафар фарзанди учун дарслик ҳамда ўқув қуроллари харид қилиш харажатлари қисман қопланди.

Тармоқ тизимидаги касб-ҳунар коллежлари битирувчиларидан 130 нафарига моддий ёрдам кўрсатилди. Икки нафар иқтидорли талаба касаба уюшма стипендиясига сазовор бўлди.

"Касаба-сайр" кўмагида 82 нафар эҳтиёжманд оила вакилларининг Шаҳрисабз, Қарши ва Самарқанд шаҳарларига, Қарши шаҳрида истиқомат қилувчи 46 нафар ходимнинг Бухоро ва Самарқанд вилоятларига сафари ташкил этилди.

* * *

Фозил ТУРСУНОВ, нефтгаз ва геология ходимлари касаба уюшмаси Республика кенгашининг Қашқадарё вилоятидаги масъул ташкилотчиси:

— Жорий йилда тармоғимизда ёш авлодни қўллаб-қувватлаш бўйича қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, "Шўртангазкимё" мажмуасида ходимларнинг 14 ёшгача бўлган фарзандлари ўртасида мини футбол мусобақаси ташкил этилиб, ғолиб ва совриндорлар касаба уюшма қўмитаси томонидан муносиб тақдирланди. Шунингдек, Қамашидаги "Меҳрибонлик" уйининг 50 нафар тарбияланувчиси Самарқанд шаҳрига саёҳат қилдирилди. Бундан ташқари, "Муборакнефтгаз" унитар шўъба корхонаси касаба уюшма қўмитаси ёз мавсумида "Ёш алангачи" оромгоҳида Китоб туманидаги "Меҳрибонлик" уйининг 20 нафар тарбияланувчисини дам олдирди.

***

Азамат МУРОДОВ, Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Қарши шаҳар кенгаши раиси:

— Тизимимизда 70 дан ортиқ корхона, ташкилот ва муассасалар қамраб олинган бўлиб, аъзолар 14 минг нафардан иборат.

Барча корхона-ташкилотларда жамоа шартнома ва келишувлари тузилган. Жамоа шартномаларига кўра, йил дастури, ёшлар ва аёллар, меҳнат муҳофазаси, ижтимоий ҳимоя, маданий-маърифий, ҳуқуқий, дам олиш ва спорт ҳамда ҳуқуқий ҳимояга оид бандлар киритилишига эришилди. "Соғлом бола йили" дастурига асосан 375 нафар ходимнинг тарихий қадамжолар ва Мустақиллик иншоотларига саёҳати уюштирилди.

Президентимизнинг "Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатининг амалга оширишга қаратилган қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги Қарори ижросини таъминлаш мақсадида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси кенгаши, Савдо-саноат палатаси вилоят бошқармаси, "Камолот" ЁИҲ вилоят кенгаши ва бошқа ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда 30 ёшгача бўлган ҳунарманд ва тадбиркорлар ўртасида "Энг фаол ёш ҳунарманд" ва "Энг фаол ёш тадбиркор" номинациялари бўйича кўрик-танлов ташкил этилди.

Янги ташкил этилган бошланғич касаба уюшма ташкилотларига фаолиятини тўғри йўлга қўйишда амалий ёрдам кўрсатиш учун услубий қўлланмалар ва меъёрий ҳужжатлар билан таъминланди.

Акмал АБДИЕВ, "Ishonch" мухбири

Ўзбекистон Фанлар академиясида касаба уюшма фаолларининг йиғилиши бўлиб ўтди.

ФАХРИЙЛАР ЭЪЗОЗЛАНДИ

Йиғилишда тармоқ касаба уюшмаси Республика кенгаши ходимлари томонидан бошланғич касаба уюшма қўмитаси раислари ва фаоллари учун жамоа шартномаларини янги муддатга тузиш, касаба уюшмасида иш юритишнинг янгича талаблари слайдлар ва кўргазмали воситалар орқали тушунтириб берилди. Шунингдек, тадбирда узоқ йиллар самарали меҳнат қилган, илмий-тадқиқот йўналишида ютуқларга эришган ҳамда жамоат ишларида фаол иштирок этган, Фанлар академияси тизимида жонбозлик кўрсатаётган ёши улуғ ходимлар ва фахрийлар Республика кенгаши томонидан рағбатлантирилди.

Ўз мухбиримиз

ИБРАТЛИ ИШЛАР

«Ўзтелеком» акциядорлик компанияси «Телекоммуникация транспорт тармоғи» филиали Учинчи боғламаси касаба уюшма қўмитаси томонидан «Соғлом бола йили» Давлат дастури асосида ибратли ишлар амалга оширилди.

Жумладан, 3 ёшгача фарзандлари бор 15 нафар ходимга совғалар улашилди. Ишчи-хизматчи аёлларнинг Самарқанд шаҳрига саёҳати ташкил этилди. Ёз мавсумида ходимларнинг 38 нафар фарзанди имтиёзли йўлланмалар билан оромгоҳларда ҳордиқ чиқарди. 14 ёшгача фарзанди бўлган ходимларга "Ишонч ёшлар театри"нинг байрам томошалари учун чипталар тарқатилди.

Боғлама ходимларини спортга жалб қилиш доимий эътиборда бўлиб, стол тенниси, шахмат-шашка турлари билан шуғулланиш учун етарли шароит яратилиб, мини футбол жамоалари шакллантирилди.

Дарвоқе, ҳаваскор велоспортчилар ўртасида ўтказилган "Касаба-тур" веломарафонининг вилоят босқичи ғолиби Талгатбек Бердиев республика босқичида ҳам муваффақиятли иштирок этди.

Озода МАМАДАЛИЕВА, "Ishonch" мухбири

СИФАТЛИ, ХУШТАЪМ

Фарғона шаҳар Марказий деҳқон бозори ҳудудидаги "Иссиқ нон" цехида тайёрланаётган нон ва нон маҳсулотлари сифати ва хушталъмлиги билан харидорларга манзур бўлмоқда.

"Фарғонадонмаҳсулотлари" очиқ акциядорлик жамияти қошида ташкил этилган ушбу цехда кунига 2800 килограмгача ун қайта ишланиб, 16 турдаги нон ва нон маҳсулотлари тайёрланаётир. Бу ерда 22 кишининг бандлиги таъминланган.

Суратда: *ишчи Зулайҳо Миркомилова.*

ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат

Танлов

Ўзбек Миллий академик драма театрида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорлигида ўтказилган "2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси" танлови ғолибларини тақдирлаш маросими бўлиб ўтди.

ТАДБИРКОР — ЭЛГА МАДАДКОР

Таъкидлаш жоиз, кейинги пайтда Марказий банк ва Хотин-қизлар қўмитаси ҳамкорликда олиб бораётган амалий ишлар ўз самарасини бераётир. Жорий йилда мамлакатимиз хотин-қизлари тадбиркорлигини қўллаб-қувватлаш мақсадида бир қатор лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилди. Айни дамда Ўзбекистонда фаолият юритаётган жами тадбиркорларнинг 35, фермерларнинг эса 10 фоизини аёллар ташкил этади.

Тақдимот маросимида "2014 йилнинг энг яхши лойиҳаси" танлови ғолибларига банк маблағларини кафолатловчи сертификатлар ва эсдалик совғалари топширилди.

— Бугун тадбиркорлар фаолиятида тижорат банклари муҳим ўрин тутмоқда. Улар ҳукуматимиз томонидан яратилган қулай шароитлар, чунончи, банкларнинг имтиёзли кредит хизматларидан самарали фойдаланмоқда, — дейди Музработ туманидаги "Музработ иссиқ нон" хусусий корхонаси раҳбари Мастона Бобоева.

Комила БОЙМУРОДОВА, "Ishonch" мухбири

Архив — муҳим соҳа

Биз меҳнат қилаётган Ангор туман давлат архивида тарихий, илмий, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий, маданий-маърифий соҳаларга оид муҳим аҳамиятга эга архив ҳужжатларини сақлаш, давлат рўйхатидан ўтказиш, ҳисобга олиш ҳамда улардан фойдаланишни ташкил этишга қаратилган кенг кўламли ишлар амалга оширилаётир.

ДАВР ТАЛАБИГА МОС

Фаолиятимизда ахборот технологияларининг ўрни муҳим. Шу боис архивимиз компьютерлаштирилиб, вилоят архив иши бошқармаси билан ҳужжатларнинг электрон маълумот захиралари яратилаяпти.

Ҳужжатларни каталоглаштириш, кузатув жилдларини юритиш, сақлаш борасида қўшни туманлардаги ҳамкасбларимиз билан фикр ва тажриба алмашиб, ўзаро ҳамкорликни йўлга қўйганмиз. Мақсадимиз, мурожаат қилган фуқаролар ва ташкилотларга сифатли хизмат кўрсатиш, ишониб топширилган ҳужжатларни бус-бутун ҳолда тўлалигича сақлашдан иборат.

Ҳужжатлар сақланадиган хоналар шароити яхшиланди, хусусан, махсус ускуналар, металл жавонлар, микроиқлим яратиш қурилмалари, ёнғинга қарши воситалар билан жиҳозланди. Бу эса фуқароларнинг мурожаатларига қисқа фурсатда амалий жавоб бериш имконини яратмоқда. Идоравий архивлар билан ишлаш тизимли равишда ташкил этилаётир. Давлат ва хўжалик бошқаруви, давлат ҳокимияти органларидан ҳужжатларнинг жамланиши, идоравий архивда сақлаш даври, давлат сақловига ўтказилишигача бўлган босқичларни қамраб олувчи ягона назорат тизимини шакллантириш чораларини кўраяпмиз.

Меҳнатимиз моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириб турилибди. Хусусан, идорамиз маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси ўртасида 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган жамоа шартномаси тузилган. Унга асосан иш ҳақимиз вақтида берилаяпти. Бундан ташқари, ҳар бир байрамда, туғилган кунларимизда, тўй ва маъракаларда кўмак кўрсатилаяпти. Соғлигимизни тиклаш учун тегишли тартибда моддий рағбат олиб, навбат билан сиҳатгоҳларга дам олишга борамиз. Ёзги таътилда болажонларимиз оромгоҳларда мириқиб ҳордиқ чиқаришади.

Фазлиддин ЙЎЛДОШЕВ, Ангор туман давлат архиви ходими

Ўқув-семинар

Истеъмол товарлари ишлаб чиқариш, савдо ва хизмат кўрсатиш ташкилотлари ходимлари касаба уюшмаси Навоий вилояти ташкилотларида жамоа шартномаси бажарилиши якунига бағишланган конференцияларни ўтказиш тартибига оид ўқув-семинар бўлиб ўтди.

ҲОЗИРЛИК

Ҳудуд тармоқ кенгашлари ва бошланғич ташкилотлар раислари иштирокидаги тадбирда Республика кенгашининг ташкилий ишлар бўйича бош мутахассиси Садриддин Сайфуллаев устувор масалалар юзасидан маъруза қилди.

Умумий йиғилишларни ўтказиш тартиби, ҳисоботлар ва янги жамоа шартномаларини тузишга оид масалалар тўғрисида вилоят касаба уюшма ташкилотлари бирлашмаси бўлим мудирларининг тавсиялари тингланди.

Мансур АЛОВУДДИНОВ, "Ishonch" мухбири

ҚЎЛИ ЕНГИЛ ШИФОКОРЛАР

Соғлиқни сақлаш вазирлиги тасарруфидаги Республика 2-клиник шифохонаси Мирзо Улуғбек туманида жойлашган.

— Бу шифохонага ҳар йили келиб даволаниб тураман, — дейди Сирдарё вилоятидан келган бемор Юнус ота Беков. — Шифокорлар хизмати кишини жуда хурсанд қилади. Беморларга бўлган муомаласини айтмайсизми?! Айниқса, кардиология бўлими катта ҳамшираси Робия Султоновадан бениҳоят миннатдорман. Қўли енгил бу қизимизнинг бевосита даво чоралари соғайишимга катта ёрдам беради.

Суратда: *муолажа жараёнида.*

Аҳмад ТЎРА олган сурат

ЖАРАЁН » Мамлакатимизда ҳар йили ўртача 220-270 километр йўл қурилади ва реконструкция қилинади, замонавий кўприк ва йўл ўтказгичлар бунёд этилади.

2015-yil 8-yanvar, payshanba, № 4 (3509), **www.ishonch-doverie.uz**, **e-mail:** xatlar@ishonch-doverie.uz

AGROBANK

Мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида замонавий бозор механизмларини яратиш, уларнинг самарадорлигини таъминлаш ва шу асосда барқарор бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг муҳим шартига айланган кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Иқтисодиётимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улушининг ортиб бораётгани ички бозорни рақобатбардош ҳамда сифатли товарлар билан тўлдириш, замон талабларини инобатга олган ҳолда, хизматлар кўрсатиш соҳасини кенгайтириш, экспортбоп маҳсулотларни кўпайтириш, энг муҳими, ёшлар учун янги иш ўринларини яратиш ва шу асосда аҳоли даромади ҳамда фаровонлигини оширишнинг муҳим омилларидан бири бўлди.

Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун

Айтиш жоизки, бу борада амалга оширилаётган ишлар мамлакатимизнинг иқтисодий томондан юксалишида, молия муассасалари тизимида олиб борилаётган амалий саъй-ҳаракатлар натижасида яққол намоён бўлмоқда. “Мижоз банк учун эмас, банк мижоз учун” тамойили амалда ўз тасдиғини топиб, иқтисодиётнинг барча тармоқлари ривожланиб, истиқболли лойиҳалар ҳаётга татбиқ этилмоқда. Хусусан, мазкур ислоҳотлар самараси ўлароқ кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари такомиллашиб, молиявий томондан барқарорлашмоқда. Бу жараёнда республикамизнинг нуфузли банкларидан бири “Агробанк” АТБнинг муносиб ўрни бор, албатта.

Жумладан, молия муассасаси томонидан “Соғлом бола йили” Давлат дастури доирасида кенг кўламдаги амалий ишлар олиб борилди. Тадбиркору ишбилармонлар, деҳқону фермерларимизнинг бизнес лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш мақсадида молиявий қўллаб-қувватланди. Мижозларга сифатли, тезкор ва ишончли банк хизматлари кўрсатилди. Айниқса, “Агробанк” томонидан мамлакатимизнинг иқтисодий юксалишида, халқимиз турмуш фаровонлигининг ошишида ўз самарасини бераётган кичик бизнесга алоҳида эътибор берилди. Ушбу тармоқни ривожлантириш мақсадида кредит маблағлари йўналтирилди. Бунинг натижасида тадбиркору ишбилармонларнинг истиқболли бизнес лойиҳаларини амалиётга жорий этилишига, пировардида ҳудудларда янги иш ўринлари кўпайишига эришилди.

ФАРОВОНЛИК САРИ КЕНГ ЙЎЛ

Мустақилликка эришгач, мамлакатимизда иқтисодиётни барқарорлаштириш, иқтисодий ислоҳотларни жадаллаштиришга алоҳида эътибор берилди.

Ўтган давр мобайнида юртимизда Президентимиз раҳнамолигида тадбиркорлик ҳаракати ривожлантирилиши натижасида мулкдорлар синфи шаклланди. Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари вужудга келди. Мазкур тизимга қаратилаётган алоҳида эътибор, яратилаётган қулай шарт-шароит, энг асосийси, давлатимиз томонидан берилаётган имтиёзлар туфайли улар бугунги кунда иқтисодиётимизда етакчи кучга айланди. Бозор шароитига тез мослашувчан, иқтисодий таъсирларга бардош бера оладиган мазкур соҳа жамият тараққиётида қанчалик муҳим аҳамият касб этиши жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози шароитида яна бир бор исботланди.

Кичик бизнес — ижтимоий-иқтисодий тараққиётни таъминловчи етакчи куч. Бунга истиқлол йилларида қўлга киритилган муваффақиятлар мисолида амин бўлдик. Чунки бу соҳа бозор иқтисодиёти талабидан келиб чиқиб, фаолият йўналишларини тез ўзгартириш, бир пайтнинг ўзида кўплаб иш ўринлари очиш имкониятига эга. Яъни ушбу соҳа нисбатан барқарор, бозордаги ўзгаришларига тез мослаша олади. Энг муҳими, бир тадбиркор икки-уч оилани иш билан таъминлаб, маҳалласи ободлигига ҳам ҳисса қўшишга қодир.

Банклар томонидан кўрсатилаётган тезкор ва сифатли хизматлар, мижозлар учун имтиёзли шартларда ажратилаётган маблағлар жойларда истиқболли лойиҳаларни ҳаётга татбиқ этиш, пировардида минглаб янги иш ўринлари яратиш имконини бераётгани бунинг тасдиғидир.

Давлатимиз раҳбари томонидан ишлаб чиқилган ислоҳотларнинг “ўзбек модели” юксак натижалари эса тижорат банкларининг капиталлашув ва ликвидлилик даражаси мустаҳкамланиб, изчил ортаётганида ҳамда банк хизматларидан фойдаланаётганлар сони йил сайин кўпаяётганида яққол акс этяпти. Айниқса, молия муассасаларининг кўмагида кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъектлари мамлакатимиз тараққиётини белгиловчи етакчи куч сифатида намоён бўлаётгани қувонарли ҳол, албатта.

Айни шу жараёнда биргина тадбиркорларга молия муассасаси томонидан кўрсатилаётган тезкор ва ишончли банк хизматларини олиб кўрайлик. Жумладан, “Агробанк” томонидан 2014 йилда кичик бизнес субъектларига 760 миллиард сўм кредит маблағлари ажратилди. Ажратилган сармоялар салмоғи ва ҳажми эса 2013 йилга нисбатан 179 миллиард сўм ёки 131 фоизга ўсди. Бу эса янги иш ўринлари кўпайиши, қўшимча даромаднинг ортишига замин яратди.

Шунингдек, банк томонидан кичик бизнесни қўллаб-қувватлашга қаратилган кенг миқёсли тарғибот-ташвиқот ишлари амалга оширилаётир. Хусусан, кичик бизнес субъектларига, шу билан бирга, ўз ишини бошлаётган ёш тадбиркорларга қўшимча қулайликлар яратиш мақсадида малакали мутахассислар томонидан кредитлар ажратиш, банк хизматлари юзасидан мижозларга зарур маслаҳатлар берилмоқда.

Фахриддин АЗИЗОВ,
Китоб туманидаги
“Китоб ип йигирув” МЧЖ раҳбари,
Қашқадарё вилояти:

— *Давлатимиз томонидан тадбиркорларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида қонунчилик соҳасида ҳам, банк-молия тизимида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.*

Таъкидлаш жоизки, тадбиркорлик фаолиятини йўлга қўйишда банкларнинг молиявий кўмаги айни муддаодир. Бунинг учун сизда хоҳиш-истакдан ташқари, мукаммал бизнес лойиҳаси ҳам бўлиши талаб этилади. Мен ҳам шуларни инобатга олган ҳолда “Агробанк”нинг Китоб филиалига мавсумий кийим-кечаклар ишлаб чиқариш мақсадида кредит сўраб, мурожаат қилдим. Банк ходимлари бизнес лойиҳамни атрофлича ўрганиб, ижобий баҳолади. Фаолиятимни бошлаш учун банк томонидан 235 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Ушбу маблағ эвазига мураккаб функцияларга эга тикув машиналари олиб келиб ўрнатдик. Қувонарлиси, жамиятимизда 65 киши иш ўрнига эга бўлди. Корхонамизда катталар ва болалар учун турли хил мавсумий кийим-кечаклар тикилмоқда. Айниқса, ўтган Соғлом бола йилида болажонларимиз учун ҳар томонлама қулай ва замонавий услубдаги кийим-кечаклар тикишни йўлга қўйдик. Шунингдек, ҳудудимиз аҳолиси учун турли тикиш-бичиш хизматлари ҳам йўлга қўйилган. Ҳозирда фаолиятимизни янада ривожлантириш мақсадида кўпгина режалар ишлаб чиқиб, муҳим лойиҳалар устида иш олиб бормоқдамиз. Юртимизда ишончли ва кафолатли банк тизимининг самарали ишлаётгани мен каби тадбиркорларни янада муваффақият сари етакламоқда. Шунинг учун ҳам банкларга бўлган ишончимиз ортиб бормоқда.

ЭЗГУ ИШЛАР МАДАДКОРИ

Юртимизда Президентимиз раҳнамолигида банк тизимини янада ислоҳ этиш, аҳолининг банкларга бўлган ишончини мустаҳкамлаш, уларнинг ҳуқуқий-иқтисодий саводхонлигини ошириш, ахборот-коммуникация технологияларини кенг қўллаган ҳолда банк хизматларининг тури ва кўламини кенгайтириш бўйича тизимли чора-тадбирлар амалга оширилаётир. Дарҳақиқат, “Агробанк” Соғлом бола йилида аҳоли турмуш фаровонлиги даражасини ошириш йўлидаги эзгу ишлар кўламини мунтазам кенгайтириб борди. Бу эса мижозларнинг унга бўлган ишончини ошириш баробарида мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини янада юксалтиришда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Жумладан, ҳисобот даврида банк томонидан тадбиркорларга 205 миллиард сўм миқдорида микрокредитлар ажратилиб, йиллик белгиланган параметрлар ижроси 103 фоизни ташкил этди.

Юрт тараққиётига ҳисса қўшишни ният қилган фаол аёлларимиз ўз бизнесини самарали ташкил этмоқда, уй-рўзғор, оиладан ажралмаган ҳолда тадбиркорлик фаолиятини юритмоқда. Тадбиркорликни қўллаб-қувватлашга қаратилган ислоҳотлар натижасида аёллар орасидан етишиб чиқаётган тадбиркорларнинг кўпайишига, оилалар фаровонлигининг янада юксалишига ҳисса қўшаётир. Хотин-қизлар тадбиркорлигини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни тадбиркорликка кенг жалб этиш учун зарур шарт-шароитлар яратилди. Натижада сўнгги йилларда хотин-қизларнинг ижтимоий-иқтисодий ҳаётдаги ўрни, тадбиркор аёлларнинг иқтисодий жараёнлардаги фаоллиги тобора ошиб бормоқда. Хусусан, “Агробанк” томонидан ўтган 2014 йил давомида тадбиркор аёлларнинг бизнес-лойиҳаларини молиялаштиришга қарийб 80 миллиард сўм миқдорида кредит маблағлари ажратилди.

Тадбиркорликнинг анъана ва урф-одатларимизга тўла мос келадиган янги шакли — оилавий бизнесни ривожлантиришга юксак даражада эътибор қаратилаётир. Аҳолини ижтимоий қўллаб-қувватлаш ҳамда турмуш фаровонлигини изчил ошириб бориш давлатимизнинг доимий диққат марказида бўлиб келмоқда. Шу мақсадда “Агробанк” томонидан ажратилаётган кредитлардан мақсадли фойдаланиб, ўз фаолиятини ривожлантираётган ёшлар, тадбиркору ишбилармонларнинг эзгу фикрлари билан ўртоқлашдик.

Мадина ЭШҚУВВАТОВА,
“Мирбозор машъаласи”
МЧЖ раҳбари,
Самарқанд вилояти:

— *Истиқлол шарофати билан юртимизда тадбиркорликка кенг йўл очилди. Биргина тадбиркорларимиз учун давлатимиз томонидан кўрсатилаётган кўмак ва ғамхўрлик уларни руҳлантириб, янада фаол бўлишга ундамоқда. Албатта, тадбиркор бўлиш шунчаки ҳой-ю ҳавас эмас, балки кенг мулоҳазали ишбилармон, эртанги кунга ишонч, мукаммал бизнес лойиҳа асосида иш бошлашни тақозо этадиган тармоқ десам хато бўлмас. Юртимизда тадбиркору ишбилармонларнинг бизнес лойиҳалари молия муассасалари томонидан кредит маблағлари билан қўллаб-қувватланаётгани соҳа ривожига самарали таъсир кўрсатмоқда. Айниқса, мамлакатимизда тадбиркорлик фаолиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш мақсадида ҳуқуқий ва иқтисодий томондан муҳим шарт-шароитлар яратилган. Мен ҳам шундай имкониятдан самарали фойдаланиш учун тадбиркор бўлишни ўз олдимга мақсад қилиб қўйдим. Бизнес лойиҳа асосида “Агробанк”нинг Нарпай филиалига мурожаат этдим. Қуруқ меваларни қадоқлаш учун зарур бўлган ускуналарни харид қилиш ҳамда тадбиркорликни бошлашим учун банк томонидан лойиҳамга асосан 272 миллион сўм миқдорида кредит маблағи ажратилди. Мазкур маблағ сабаб, 6 та янги иш ўрни яратилди. Ҳозирги кунда аҳолига кўп турдаги сифатли қадоқланган мева етказиб бермоқдамиз.*

***

Оиладаги маънавий ва моддий манфаатдорлик уйғунлиги, оила аъзоларининг ишлаб чиқариш жараёнларида фаол иштирокини таъминлайди. Оилавий тадбиркорлик оилани мустаҳкамлаш ва турмуш даражасини яхшилашга, болаларни ҳунарли ҳамда меҳнатсеварлик руҳида тарбиялашга, уларнинг ишбилармонлик салоҳияти ўсишига шароит яратади.

Бугунги кунда оилавий бизнесни ривожлантириш, ишлаб чиқаришни кенгайтириш ва янги иш ўринларини яратишда, умуман, иқтисодий ўсишда банк кредитлари муҳим ўрин тутмоқда. Оилавий бизнес амалда ўзининг ҳар томонлама истиқболли эканини исботлади ва банкларнинг ишончли ҳамкорига айланди. Ўтган йили бу йўналишда молия муассасаси томонидан оилавий тадбиркорлик ва ҳунармандчиликни кенгайтириш учун 14 миллиард сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Собир ТОЙИРОВ,
“Ибонур плюс қум-шағаллари”
оилавий корхонаси раҳбари,
Бухоро вилояти:

— *Юртимизда яратилган қулай ишбилармонлик муҳити ҳар бир инсон учун кенг имкониятлар яратмоқда. Бундан унумли фойдаланиб, оилавий тадбиркорликни йўлга қўйиш мақсадида “Агробанк”дан 150 миллион сўм кредит олдим. Олинган кредит эвазига ярим тайёр қурилиш хомашёси ишлаб чиқариш учун зарур бўлган техник асбоб-ускуналар сотиб олдик. Натижада ганч, гипс, шағал ва бошқа турдаги қурилиш хомашёлари ишлаб чиқарилиши йўлга қўйилди. Ҳозир корхонамизда йиллик 580 миллион сўм даромад ҳамда 56,7 миллион сўм миқдорида соф фойда олиш имконияти пайдо бўлди. Ажратилган кредит ҳисобига 6 та янги иш ўрни яратилди. Келгусида банкнинг молиявий кўмагида ишлаб чиқариш турини кенгайтиришни ният қилганмиз.*

***

Мамлакатимизда коллеж битирувчиларининг ўз тадбиркорлигини ташкил этиши учун ҳам кенг имкониятлар яратилган. Уларга истиқболли лойиҳа тузишдан бизнес юритишгача бўлган барча жараёнда иқтисодий, ҳуқуқий, моддий ва маънавий кўмак берилмоқда, зарур миқдорда сармоя билан таъминланмоқда. Аҳоли, жумладан, касб-ҳунар коллежлари битирувчилари бандлигини таъминлаш, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш истагида бўлган ёшларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш айни кундаги муҳим вазифалардан биридир. Касб-ҳунар коллежларини битирган ёшларни тадбиркорлик соҳасига жалб қилиш борасида амалга оширилаётган ишлар юртимиз тараққиёти ва халқимиз фаровонлигини таъминлашдек эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда. Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари битирувчиларини ўз тадбиркорлик фаолиятини ташкил этишларига яқиндан кўмаклашиш, уларга амалий ёрдам кўрсатиш мақсадида 2015 йилнинг 1 январ ҳолатига кўра, банк томонидан касб-ҳунар коллежлари битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини бошлаш учун 28 миллиард сўм миқдорида имтиёзли кредитлар ажратилди. Бу борадаги кўрсаткич 105 фоизга бажарилди. Сармоялар ҳисобига коллеж битирувчиларига тадбиркорлик фаолиятини амалга ошириш имконияти яратилди.

Рустам ЭГАМОВ,
Боғот иқтисодиёт ва сервис
коллежи ўқитувчиси,
Хоразм вилояти:

— *Ёшларимизнинг ҳар томонлама камол топиши учун юртимизда етарли шарт-шароит мавжуд. Айниқса, ўғил-қизларимизни мустақил ҳаётга тайёрлаш биз мураббийлар, умуман, юртдошларимиз олдида турган муҳим масалалардандир. Шу сабабли ҳам турли соҳа мутахассислари билан биргаликда давра суҳбатларини доимий равишда ўтказиб турамиз. Бу борада “Агробанк” ходимлари томонидан олиб борилаётган амалий ишлар анча самарали бўлмоқда. Сабаби, бугунги кунда тадбиркорликни ривожлантириш давлат сиёсати даражасига кўтарилганлиги барчамизга маълум. Коллеж ўқувчилари учун банклар томонидан кўрсатиладиган хизматлар, кредит, микрокредит, микролизинг, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик, оилавий бизнес ҳамда ҳунармандчилик фаолиятини ривожлантириш мақсадида молия муассасалари томонидан олиб борилаётган амалий ишлар ҳақида ёшларга кенгроқ тушунтиришлар берилмоқда. Натижада, кўпгина ёшларимиз коллежни битиргач, тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланиш учун ўз келажаги йўлида изланишлар олиб бораётганлиги қувонарлидир. Шундай учрашувлардан ўз билимини бойитган ўқувчиларимиздан Нилуфар Жумақова, Бекзод Шокиров, Шаҳодат Матякубовалар ўз бизнес ишланмалари билан иштирок этиб, паррандачиликни ривожлантириш мақсадида ҳар бири “Агробанк”нинг 4 миллион сўм миқдорида кредит маблағларини олишга муваффақ бўлди.*

Ораста ДОНИЁРОВА,
коллеж битирувчиси,
Навоий вилояти:

— *Бугун ёшларнинг тадбиркорлик фаолиятини молиявий қўллаб-қувватлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Хусусан, касб-ҳунар коллежи битирувчиларининг тадбиркорлик фаолиятини молиялаштиришга ажратилган кредитлар ҳажми кундан-кунга ошиб бормоқда. Мен ҳам бу имкониятдан фойдаланган ҳолда “Агробанк”нинг Нурота филиалидан 12 миллион сўм миқдорида имтиёзли кредит олдим. Олинган кредит эвазига гўзаллик салони очиб, фаолиятимни йўлга қўйдим. Аввало, тадбиркорлик фаолиятимни бошлашимда менга банкнинг моддий кўмаги асқотди. Келгусида банк кўмаги асосида тадбиркорлик фаолиятимни янада кенгайтириш режаларим бор.*

***

Мухтасар қилиб айтганда, тадбиркорлик мамлакатнинг нафақат ялпи ички маҳсулотини шакллантиришда асосий бўғин, балки аҳоли бандлиги ва даромадлари манбаининг такомиллашуви, шунингдек, фаровонликка эришишнинг муҳим омили ҳамдир.

Жорий 2015 — Кексаларни эъзозлаш йилида ҳам “Агробанк” АТБ томонидан аҳоли фаровонлиги ва реал даромадларининг изчил ўсишини таъминлаш, иш билан бандликни ошириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни, фермерлик ҳаракатини янада ривожлантириш, оилавий бизнес ва миллий ҳунармандчиликни тараққий эттириш борасида кенг қамровли ишлар амалга оширилиши кўзда тутилган.

Банк материаллари
асосида “Ishonch” мухбири
Жамшид ЭРГАШЕВ
тайёрлади.

ФАКТ » 2014 йилда мамлакатимизда касб-ҳунар коллежлари битирувчилари орасида ўз бизнесини ташкил қилишга интилаётган йигит-қизларга 170 миллиард 700 миллион сўм миқдорида кредитлар ажратилди.

Санъат ғунчалари

Тошкент вилоятининг Бўстонлиқ туманидаги 17-болалар мусиқа ва санъат мактабига қадам босишингиз билан мафтункор куй-қўшиқлар оламига тушиб қолгандай бўласиз. Синфхоналарда ўтказилаётган машғулотлар эътиборингизни тортади. Деворлардан чет эл ҳамда мамлакатимизда кўзга кўринган бастакор ҳамда хонандаларнинг суратлари жой олган.

ЁШ ИСТЕЪДОДЛАР МАСКАНИ

— Мактабимизда 248 нафар ўғил-қиз санъатнинг 18 та йўналиши бўйича сабоқ олмоқда, — дейди БМСМ касаба уюшма қўмитаси раиси Элмира Мирзаева. — Булар фортепиано, торли чолғулар, анъанавий созандалик, хонандалик, хореография, тасвирий санъат ҳамда театр санъати каби соҳалар бўлиб, ҳар бир ёш ўзи қизиққан йўналишни танлаши мумкин. 28 нафар ўқитувчи болаларимизнинг истеъдодини тарбиялаш йўлида бор билим ва маҳоратини аямаяпти.

Дарҳақиқат, мазкур илм масканида ўқувчилар учун барча шароит яратилган. Замонавий талабларга жавоб берадиган турли мусиқа асбоблари, компютер, электрон жиҳозлар ҳавасингизни келтиради.

— Президентимизнинг 2011 йилги «Болалар мусиқа ва санъат мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва улар фаолиятини янада яхшилаш ҳақида»ги Қарори ишимизда муҳим дастуруламал бўлиб хизмат қилмоқда, — дейди мактаб директори Ботир Бардинов. — Унга кўра, мактабимиз тўлиқ таъмирдан чиқарилиб, ўзгача кўриниш касб этди. Бундай шароитдан нафақат ўқувчилар, уларнинг ота-оналари ҳам ниҳоятда хурсанд.

Мактаб қайта реконструкция қилингач, амалий санъат, хореография ва театр санъати бўлимлари ҳам фаолият кўрсата бошлади.

Ёшларга санъат сирларини ўргатиб келаётган Ғофур Қўчқоров, Миркомил Баракаев, Ҳасан Бобоев, Юрий Журавлёв, Юрий Костов ҳамда Наталя Сибашвилининг фидойилигига тасанно айтсангиз арзийди. Улар сафига ёш педагоглар ҳам келиб қўшилаётир. Олий ўқув юртларини тамомлаб, ҳозирда шу ерда фаолият олиб бораётган Диана Амирова, Сардор Насриддинов, Шаҳноза Ибрагимова, Инобат Камолова, Фотима ва Зуҳра Кистабаевалар мазкур мусиқа ва санъат мактабида ўқишган.

Мактаб ўқувчилари турли танлов ҳамда фестивалларда қатнашиб, юқори натижаларни қўлга киритмоқда. 2011 йили бўлиб ўтган республика «Ёш ижрочилар» кўрик-танловида Зарина Тожиддинова 3-ўринни эгаллаган бўлса, Хуршид Йўлдошев 1-ўрин соҳиби бўлди. «Камалак юлдузлари» фестивалида Рустам Дўсов биринчи ўринга сазовор бўлди. Мухтор Ашрафий хотирасига бағишлаб ўтказилган республика кўрик-танловида Фотима ва Зуҳра Турсунбоеваларга 3-ўрин насиб этди.

Шунингдек, мактабда ўқитувчи ҳамда ўқувчилар иштирокида турли байрамларга бағишлаб, концерт дастурлари намойиш этилмоқда. Иқтидорли ёшлардан Сардор Насриддинов ва Диана Амирова туман ва вилоятда ўтказилаётган байрам тадбирларида иштирок этиб, мухлислар қалбидан жой олиб улгуришди. «Сардор» доирачилар гуруҳи нафақат туманда, вилоят ва республикамиз миқёсида ҳам танилган.

Истеъдод эътибор ва парвариш талаб қилади. Ушбу масканда бу борада барча имкониятлар ишга солинаётганлиги кишини қувонтиради.

Неъмат РАФИҚОВ,
“Ishonch” мухбири

Касаба уюшма спорти

САЛОМАТЛИК КУНИ

1-Тошкент педагогика коллежи спорт залида таълим муассасаси ходимлари ўртасида шундай тадбир ўтказилди.

Мусобақалар қизғин тарзда кечиб, “Қувноқ стартлар” ва волейбол баҳсларида “Педагогика-психология ва БТМ” кафедраси ходимлари биринчи ўринни эгаллашди.

Чаққонлик талаб этиладиган стол теннисида аёллар ўртасида Малоҳат Муҳиддиновага тенг келадиган топилмади. Эркаклар орасида эса Собит Давронов барча рақибларини мағлубиятга учратди.

Шашка бўйича аёллар ўртасида Хурсаной Умурзоқова, шахматда эркаклар ўртасида Мағрубжон Исроилов шоҳсупанинг биринчи поғонасига кўтарилди. Шунингдек, энг фаол иштирокчилар муносиб тақдирланди.

— Аъзоларимизнинг саломатлиги биз учун жудаям муҳим. Шу боис бундай мусобақалар доимий равишда ташкил этилади. Айниқса, таълим ходимлари ўз шогирдларига ўрнак бўлмоғи лозим, — деди Таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Чилонзор туман кенгаши раиси Ўлмас Қаҳҳорова.

Ғолиб ва совриндорларга диплом ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Ўз мухбиримиз.
Икром ҲАСАНОВ
олган суратлар

Миннатдорлик

Мен Самарқанд вилояти таълим, фан ва маданият ходимлари касаба уюшмаси Қўшработ туман кенгашидан йўлланма олиб, Фарғонадаги «Чимён» сиҳатгоҳида даволандим.

ШИФО ТОПДИМ

Бунгача вилоят шифохоналарида, Тошкент шаҳридаги урология марказида даволаниб, соғлиғим бироз яхшиланганди. «Чимён» сиҳатгоҳида бутунлай шифо топдим, десам ҳам бўлади. Ҳамма шароит яхши. Бўлим шифокори Ҳилолахон Холбекова ва Гўзалхон Исломова, Шоҳидахон Сайдалиева каби ҳамшираларнинг хушмуомалалиги, ҳар бир даволанувчига алоҳида эътибор қаратиши кўнглимизни тоғдек кўтарди. Сиҳатгоҳнинг барча ходимларига миннатдорлик билдираман.

Абдурашид ҲАМРОЕВ

Реклама ва эълонлар

«Navoiy mulk markazi» МЧЖ бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

Савдога Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги ҳузуридаги суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий жиҳатдан таъминлаш департаменти Навоий вилоят ҳудудий бошқармасининг 2014 йил 30 декабрдаги 06-770/14-сонли буюртманомасига асосан, Навоий шаҳар, М.Улуғбек кўчаси, 21-уйда сақланаётган, техник таъмир талаб, 2004 йилда ишлаб чиқарилган, давлат рақами 85 889 САА бўлган, “Матиз” русумли автотранспорт воситаси қўйилмоқда. **Бошланғич баҳоси – 7 080 707 сўм.**

Савдо 2015 йил 9 февраль куни соат 12:00да бўлиб ўтади. Аризалар расмий иш кунлари соат 10:00 дан 12:00 гача қабул қилинади. Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати: 2015 йил 6 февраль куни соат 18:00.

Автотранспорт воситаси 2015 йил 9 февраль куни сотилмаган тақдирда, такрорий савдо 2015 йил 16 февраль куни соат 12:00 да ўтказилади. Аризаларни қабул қилиш: Такрорий савдо учун 2015 йил 13 февраль куни соат 18:00 да тўхтатилади.

Савдо ғолибига 10 иш куни ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади.

Талабгорлар мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини АТ “Ипотека банк” Навоий филиалининг қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 20208000704943164001, МФО: 00205, СТИР: 302132768.

Савдо ўтказиладиган манзил: Навоий шаҳар, П.Очилов кўчаси 24-уй. Тел: 8 (436) 22-4-64-31. www.rmm.uz. Гувоҳнома:1605.

Хизматлар лицензияланган.

Сергели тиббиёт коллежи томонидан **Ганиева Дурдона Абдушукур қизи**га 2012 йил 5 июлда ҳамшира иши йўналиши бўйича берилган **№ ДК 2703404** рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қатралар

Эҳ, болажон, нега бунча ўзингни қийнайсан? Бундай бўёқни сен-ку сен, буюк рассомлар ҳам тополмаган-ку?!

Сен, яхшиси, бешик устида тунларни тонгга улаган аллалардан сўра. Йўқ-йўқ, бетоб бўлганингда, оёқяланг дўхтирга югурган муштипар аёлнинг изларидан сўра. Йиқилиб тушганингда хун-хун йиғлаб, кўзёшлари билан дардингни ололмай, кўкарган танангни силаб тузатмоқчи бўлган волидангнинг қадоқ қўлларидан сўра. Олис сафарга кетганингда суратингга тикилиб, келишингни интиқиб кутган, синиқ кўзойнак ортидан мўлтираб турган хира кўзларидан сўра.

Шоядки, шундай рангни тополсанг.

Дилфуза СУЛТОНОВА,
Наманган вилоят
касаба уюшма ташкилотлари
бирлашмаси бўлим мудири

МЕҲР

Меҳр деганлари ажойиб туйғу. Аёлнинг шу гўзал ҳисга боғланиб қолганлигини ҳамма ҳам тушунавермаса керак.

Меҳрнинг ҳузурбахш қучоғида мойдек эрийдиган диллар аёл қалбининг соғинч соҳилида саргардон кезадилар. Унинг тафти эса қуёш нурларидан-да куйдиргувчи.

Биласизми, дўстим, меҳрни ҳамма ҳам беравермайди. Аниқроғи, бера олмайди.

Агар дунёда меҳрни тушунувчилар кўпроқ бўлганда, қаҳр сўзи бўлмасмиди.

Аёлнинг маъюс нигоҳига, ёшли кўзларига дош бериш қийин...

Меҳр дея чўзилган қўллар узалганча, мунғайиб қолмасайди... Не ҳасратда топганинг — БАХТни биров илиб кетмасайди...

Айтмоқчи, БАХТ дегани ўзи бормикин?

Менимча, у мавҳум тушунча. Инсон бахтни қидириб яшайди, аслида, уни эмас, бахтли яшашга имконни қидириш керак. Бахтли яшаш имконини эса меҳр беради.

Яхшиси, Сиз МЕҲР қидиринг, атрофингиздагиларга меҳр илининг. Шундагина БАХТли яшайсиз.

РАНГ

Онасининг суратини чизмоқчи бўлган болакай меҳрибонининг оқ сочларини бўягани ранг тополмай қийналади...

Турфа олам

Машҳур испан рассоми Пабло Пикассонинг невараси Марина Пикассо ўз шахсий коллекциясидаги бобосининг расмларини 290 миллион долларга сотмоқчи. Бу ҳақда New York Post хабар бермоқда.

Рассом мероси

У 1905-1965 йилларда чизилган камида 7 та суратни сотиши мумкин. Жумладан, “Она” картинаси 54 миллион, “Аёл портрети” эса 60 миллион долларга баҳоланган. Харидорлар билан музокараларни Маринанинг шахсан ўзи Женевада ўтказиш ниятида. Шунингдек, у Канндаги оилавий виллани ҳам сотмоқчи.

Марина “унга муҳаббат билан ўтмаган мерос”дан қутулиш истагини “ўтмишдан воз кечиш” билан изоҳлаган. У бир неча марта машҳур рассом бобосини болалигида унинг оиласини қўллаб-қувватлашдан бош тортганликда айблаган.

Топилма Миср маликасими?

Мисрда археологлар гуруҳи аввал номаълум бўлган Қадимги Миср маликасининг жасадини топди, дея хабар тарқатди Segodnya.ru.

У бундан 4,5 минг йил олдин ҳукмронлик қилган фиръавн Неферефранинг рафиқасига тегишли бўлиши мумкин. Топилма Қоҳирадан жануби-ғарбда жойлашган Абу Сирдаги Қадимги Подшолик қабристони ҳудудида аниқланган. Жасад қабристондаги фиръавн дафн этилган жойдан топилгани туфайли, олимлар унинг фиръавн рафиқаси бўлганини тахмин қилмоқда.

50 йилда 270 минг километр

Британиялик собиқ марафончи Рон Ҳилл 50 йил давомида ҳар куни бир мил, яъни 1,6 километр югурган, дея хабар қилмоқда The Independent. У 1964 йил 20 декабрда югуришни бошлаган. Ўтган йили 76 ёшли спортчи Манчестерда ўтказилган 5 километрга чопиш бўйича мусобақада иштирок этди.

— Бир одатга қанчалик ўргансангиз, уни бажариш шунчалик осон бўлади. Ҳаммага шунчаки югуришни бошлашни маслаҳат бераман ва беш дақиқадан кейин ритмни ҳис қиласиз, балки бу сизга ёқиб қолар, — дейди Рон Ҳилл.

50 йил давомида Рон 160 минг мил, яъни 270 минг километрни босиб ўтган. У Бостон марафонида ғолиб чиққан биринчи британиялик югурувчига айланган. Бундан ташқари, уч марта Олимпия ўйинларида иштирок этган, шунингдек, 1970 йили чемпионликни ҳам қўлга киритган.

Кўзи ожизлар учун смартфон

Шеффилд университетининг саноат дизайни факултети талабаси кўзи ожизларга мўлжалланган “Shikun Sun” деб номланувчи смартфон ишлаб чиқди, дея хабар бермоқда Ria.ru ахборот агентлиги.



Қурилмада Брайл ҳарфларидан фойдаланилади. Унинг ёрдамида қўнғироқ қилиш, хабар жўнатиш, мессенжер, иловалардан фойдаланиш ва мусиқа тинглаш мумкин.

Телефон иккита қисмдан иборат. Биринчи қисми клавиатура бўлиб, унда 35 қаторли Брайл алифбоси жойлашган. Иккинчи қисми эса сенсорли экрандан ташкил топган ва экрандаги менюга туртиб чиққан белгилар жойлаштирилган. Фойдаланувчи менюдаги ёрлиқчаларни бармоғи ёрдамида ўзига мослаб жойлаштириши мумкин.

Замонавий 3D экран орқали смартфон график маълумотларни бармоқ ёрдамида сезиш ҳамда матнларни Брайл шрифтига айлантириб, ўқиш имконини беради.

Фойдаланувчи батарея қуввати қанча қолганини ён томондаги бешта нуқтани пайпаслаб билиши мумкин, бунда қувват озайиши биттадан нуқтанинг йўқолиши билан белгиланади.

Икки уммонни бирлаштирувчи канал



Associated Press ахборот агентлигининг хабарига кўра Никарагуада Атлантика ва Тинч океанларини бирлаштирувчи кемалар қатнови йўлга қўйилади.

Хитойнинг NKND Group компанияси барпо этадиган сув йўли Панама канали муқобили бўлиши кутилмоқда. Никарагуа етакчиси Даниэл Ортега халққа телемурожаат билан чиқиб, лойиҳа Никарагуа ва бутун Марказий Америкадаги иқтисодий вазиятни ўзгартиришини айтди.

Канал Тинч океани қирғоғидаги Брито дарёси этакларидан бошланиб, Атлантикадаги Пунта-Горда дарёси этакларигача бориши режалаштирилмоқда. Каналнинг умумий узунлиги 278 километрни ташкил этади, чуқурлиги 26-30 метр, кенглиги 230-530 метрга тенг бўлади. Каналдан ўтиш учун 30 соат талаб этилади. Бир йилда у орқали 5 мингтагача кемалар қатнайди.

Каналдан фойдаланиш 2019 йилда бошланади, қурилиш ишлари 2029 йилда тугалланади. Лойиҳанинг умумий қиймати 40 миллиард АҚШ доллари деб баҳоланмоқда.

Интернет материаллари асосида
А.АРСЛОНОВ тайёрлади.

Реклама ва эълонлар

Аукцион савдолари хабарномаси!

«KO’CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй манзилида бўлиб ўтадиган қуйидаги аукцион савдоларига таклиф этади.

2015 йил 10 февраль куни соат 11:00 да Олот тумани 4-сон умумий ўрта таълим мактаби билан ҳамкорликда ташкил қилинадиган савдоларга мазкур мактаб ҳисобидаги жами бошланғич баҳоси 18 012 500 сўм бўлган эски мактаб биносини бузиш (йиқитиш)дан чиққан 16 номдан иборат бўлган (б/у) қурилиш материаллари қўйилмоқда.

Закалат пули миқдори бошланғич баҳосининг 10 (ўн) фоизи миқдорида белгиланган.

Талабгорлар диққатига.

Аукцион савдоси ғолибига 10 кунлик муддат ичида олди-сотди шартномасини тузиш мажбурияти юклатилади. Мулк учун тўловларни тўлаш тартиби ва муддати олди-сотди шартномасида белгиланади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагидаги талабгорлардан савдоларда иштирок этиш учун белгиланган шаклдаги буюртманомалар «Аукцион ташкилотчиси» томонидан Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй (4-қавати) манзили бўйича аукцион хабарномаси эълон қилинган кундан бошлаб «Аукцион» савдоси ўтказилиши белгиланган сана кунидан бир кун олдин бўлган муддатга қадар қабул қилинади.

Аукцион савдоларида иштирок этиш истагида бўлган талабгорлар «Аукцион ташкилотчиси» билан тузиладиган закалат пули тўғрисидаги келишув шартномасига асосан белгиланган миқдордаги закалат пулларини тўлашлари ҳамда жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, ҳуқуқий шахслардан давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги гувоҳнома, устави нусхаси ва савдода қатнашувчи ишончли вакил учун тасдиқланган ишончнома тақдим этилиши сўралади.

Закалат тўлови учун реквизитлар: «KO’CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali» СТИР 302523082, МФО 00115 ОАТБ Қишлоқ қурилиш банки Бухоро минтақавий филиалидаги ҳисоб рақами 20208000805028108002.

Буюртманомаларни қабул қилиш ёки аукцион савдоларига чиқарилган мулклар билан танишиш ҳамда сизларни қизиқтирган барча саволлар бўйича қуйидаги манзилларга мурожаат қилишингиз мумкин.

«Аукцион ташкилотчиси» — «KO’CHAR MULK SAVDO SERVIS MChJ Buxoro filiali».

Манзили: Бухоро шаҳар, Мустақиллик кўчаси, 10-уй. (4-қават). Тел: 8 365 221-59-24. E-mail: kmss.res@mail.ru, гувоҳнома:№ 006263. Хизматлар лицензияланган.

Низомий номидаги Тошкент давлат педагогика университети маъмурияти ва касаба уюшма қўмитаси давлат ва ҳуқуқ асослари кафедраси мудири Ҳамидахон Тўйчиевага турмуш ўртоғи

Шуҳрат ТЎЙЧИЕВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

ОБ-ҲАВО 8-9 январь

Республика Гидрометеорология марказининг хабар беришича, 8-9 январ кунлари мамлакатимизнинг айрим ҳудудларида ҳаво ўзгариб туради, ёғингарчилик кузатилади. Шарқдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади.

Тошкент	Нукус	Урганч	Бухоро	Навоий	Қарши	Термиз	Самарқанд	Жиззах	Гулистон	Фарғона	Наманган	Андижон
+16..+18,+6...+8	-2...+3, 8...-3	-2...+3,- 8...-3	+15...+20 , +2..+7	+15...+20 ,+2...+7	+15...+20, +13...+8	+15...+20, +3...+8	+13...+18, +3...+8	+13...+18 ,+3...+8	+13...+18, +3...+8	+8...+13, +8...+13	+8...+13, +8...+13	+8...+13, +8...+13
+6...+8,+6...+8	+1...+6, -15...-10	+1...+6, -15...-10	+3...+8, +2..+7	+3...+8, +2..+7	+3...+8, +3...+8	+3...+8, +3...+8	+3...+8, +3...+8	+3...+8, +3...+8	+3...+8, +3...+8	0...+5, +2...+7	0...+5, +2...+7	0...+5, +2...+7

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Muassis:
O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasi

Bosh muharrir v.b.
Jahongir Sharofboyev

Tahrir hay’ati:
Muhammad Ali Ahmedov, Baxtiyor Mahmadaliyev, Oksana Belausova, Eson Rajabov.

2007-yil 11-yanvarda O‘zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0116-raqam bilan ro‘yxatga olingan.
ISSN 2010-5002

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.

Bo‘limlar:
Kasaba uyushmalari hayoti — 256-87-63, Huquq va xalqaro hayot — 256-64-69, Milliy-ma’naviy qadriyatlar va sport — 256-82-79, Xatlar va muxbirlar bilan ishlash — 256-85-43, Reklama va e’lonlar — 256-87-73.

Hududlardagi muxbirlar:
Andijon + 998 91 475-23-60; Buxoro + 99893 653 50 81; Sirdaryo + 998 90 999 58 30; Jizzax + 998 94 418-67-49; Navoiy + 998 94 228-13-00; Namangan + 998 90 260-50-77; Samarqand + 998 93 352-50-87; Qashqadaryo +998 91 467-30-01; Surxondaryo + 998 95 502-68-99; Farg‘ona + 998 91 141-27-70; Qoraqalpog‘iston Respublikasi + 998 91 268-92-32; Xorazm + 998 90 719-48-00.

Manzilimiz:
100165, Toshkent shahri, Buxoro ko‘chasi, 24-uy

Nashr ko‘rsatkichi: 133

Gazeta haftaning seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi. Sotuvda erkin narxda.

Navbatchi muharrir: B.Rizayev
Navbatchi: S.Abdurahmonov
Musahhih: S.Shodiyeva

Bosishga topshirish vaqti — 21:20
Topshirildi — 21:30

E-mail:xatlar@ishonch-doverie.uz

Gazeta «Ishonch»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi. Sahifalovchi: H.Abdujalilov

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi. Korxona manzili: «Buyuk Turon» ko‘chasi, 41-uy.

«Ishonch»dan olingan ma’lumotlarda manba sifatida gazeta nomi ko‘rsatilishi shart. Mualliflar fikri tahririyat nuqtayi nazaridan farqlanishi mumkin.

Buyurtma Г — 115 | 19523 nusxada bosildi | 1 2 3 4 5